



ТИЛНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ АСПЕКТДАГИ ТАДҚИҚИ

Омонбоева Дилрабо Номонжон қизи

Ренессанс Таълим Университети ассистент уқитувчиси

Аннотация: *Тилшуносликда янги шакилланган йўналишлардан бири лингвокултурология саналади. Мазкур мақолада тилнинг лингвомаданий хусусиятлари ҳақида сўз боради.*

Калит сўзлар: *тилшунослик, лингвокултурология, тил, лингвомаданий аспект, шахс омили, урф-одат.*

XX асрнинг 90 – йилларида тилшунослик билан маъданиятшунослик орасида янги фан соҳаси, лингвокултурология (лингвомадани-яцхунослик) пайдо бўлди. У тилшуносликнинг мустақил йўналиши сифатида тан олинди. Лингвокултурологиянинг шаклланиши ҳақида деярли барча тадқиқотчилар ушбу назариянинг илдизи В. фон Гумболдтга бориб тақалишини таъкидлайдилар.

Лингвокултурология соҳасида жиддий тадқиқотлар яратган В.А.Маслова ушбу соҳанинг ривожини 3 босқичга ажратади:

- 1) фан шаклланишига туртки бўлган дастлабки тадқиқотларнинг яратилиши (В. Фон Гумболдт, Е.Бенвенист, Л.Вайсгербер, А.А. Потебня, Е.Сепир) каби тилшуносларнинг ишлари);
- 2) лингвокултурологиянинг алоҳида соҳа сифатида ажратилиши;
- 3) лингвокултурологиянинг ривожланиш босқичи.

XXI аср бошига келиб лингвокултурология дунё тилшунослигидаги йетакчи йўналишлардан бирига айланиб улгурди. Лингвокултурология тилни маданий феномени сифатида ўрганувчи фан бўлиб, ўзаро алоқадорликда бўлган тил ва маданият унинг предмети ташкил этади. Жумладан, В.Н.Телия бу ҳақида шундай ёзади:



“Лингвокултурология инсон омилига, аниқроғи инсондаги маданий омилни тадқиқ этувчи фандир. Бу эса шуни билдирадики, лингвокултурология маркази маданият феномени бўлган инсон тўғрисидаги антропологик парадигмага хос бўлган ютуқлар мажмуасидир”. [2, 57]

В.В.Воробйев “лингвокултурология – синтезловчи тоифадаги комплекс илм соҳаси бўлиб, у маданият ва тил ўртасидаги ўзаро алоқалар ва таъсирлашувларни ўрганади. Бу жараёни ягона лисоний ва нолисоний (маданий) мазмунга ега бирликларнинг яхлит таркиби сифатида мазкур жараёни замонавий нуфузли маданий устуворликларга (умуминсоний меъёрлар ва кадрятлар) қаратилган тизимли методлар ёрдамида акс эттиради”, - деб кўрсатади. Ушбу тушунчаларнинг ўзаро фарқли жиҳатларини профессор Ў. Юсупов қуйдагича изоҳлайди. “Лингвокултурама - ўз семантикасида (маъносида) маданиятнинг бирор бўлагини акс эттирувчи тил ёки нутқ бирлиги.

Лингвокултуремаларга маданиятнинг бирор бўлагини акс эттирувчи сўзлар, фразеологик бирликлар, сўз бирикмалари, гаплар, паремиялар, мураккаб синтактик бутунликлар, матнлар ва ҳоказолар киради. Лингвокултурама мазмун ва ифода планига эга, ифода плани юқорида кўрсатилган бирликлар, мазмун планини еса ўша бирликларнинг семантикаси ташкил қилади. Демак, лингвокултурама концептдан ўзининг мазмун ва ифода планига эга бўлиши билан фарқ қилади, лингвокултурология учун халқ маданиятини лисоний кўринишда намоён етиш асосий вазифа ҳисобланади. Унингча, “лингвокултурама” тушунчаси қиёсий тилшунослик учун фойдали, “зеро тил – маданий факт, биз мерос қилиб оладиган маданиятнинг таркибий қисми ва айни пайтда қурол ҳамдир. Халқ маданияти тил орқали вербаллашади, айнан тил маданиятининг таянч, асосий тушунчаларини ҳаракатга келтиради ва уларни белгилар кўринишида, яъни сўзлар воситасида ифода этади”. [5, 98]



Агар маданиятхунослик инсоннинг табиат, жамият, санъат, тарих ва бошқа ижтимоий ва маданий борлиқ соҳаларида ўз-ўзини англаш хусусиятини ўрганса, тилшунослик тилда дунё лисоний манзарасининг ментал моделлари сифатида акс этувчи дунёкарашни ўрганади. Лингвокултурологиянинг асосий тадқиқот предмети эса доимий ўзаро таъсирлашиш ҳолатида бўлган ҳам тил, ҳам маданият ҳисобланади.

“Маданият” лотинча “Солере” сўзидан олинган бўлиб, “ишлов бериш, тарбиялаш, ривожланиш, ҳурмат қилиш, ибодат” маъноларини англатади. ХВИИИ асрдан бошлаб “маданият” атамаси инсон фаолиятининг маҳсули бўлган барча нарсаларга нисбатан қўлланила бошлаган. Бу маъноларнинг барчаси “маданият” сўзининг қўлланилишида сақланиб қолган, аммо аслида бу сўз “инсоннинг табиатига мақсадли таъсири, табиатнинг инсон манфаатлари учун ўзгартирилиши, яъни ерга ишлов берилиши” (қишлоқ хўжалик маданияти) деган маънони англатган. Кейинчалик “маданият” атамаси билимдон, марифатли, юксак тарбияли инсонларни тарифлашда ҳам ишлатила бошлаган. Ҳозирга келиб “маданият” атамасининг фан ва амалиётнинг турли соҳаларида 500 дан ортиқ вариантда ишлатилиши маълум. [3, 153]

Муаллифларнинг маданиятга берган таърифлари умумлаштирилса, маданиятга бутун тарихий тараққиёт жараёнида инсоният томонидан яратилган ва яратилаётган барча моддий ва маънавий бойликлар йиғиндиси” деб таъриф бериш мумкин. Шунга асосан маданиятнинг икки тури фарқланади: 1) моддий маданият; 2) маънавий маданият; Моддий маданият инсон фаолияти туфайли яратилган “иккинчи табиат”, яъни ишлаб чиқарилиш воситалари, меҳнат қуроллари, меҳнат кўникмалари, шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнида яратилган ҳаёт учун хизмат қиладиган барча бойликларни англатади. Маънавий маданиятнинг қамрови беҳад кенг бўлиб, у ижтимоий онгнинг барча шакллари, яъни фалсафий, илмий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, диний қарашлар, маориф, таълим-тарбия, мактаб, ўрта ва олий таълим, фан, маданият



муассасалари, оммавий ахборот воситалари, санъат, халқ маънавий ижодиётнинг барча турларини қамраб олади. Моддий ва маънавий маданият бир бири билан узвий боғлиқ бўлиб, бири иккинчисини тўлдиради. Масалан, моддий бойликнинг бирор турини инсон ақл-заковатисиз, тафаккурисиз, ақлий меҳнатисиз яратиб ва такомиллаштириб бўлмайди. Демак, моддий маданиятни барпо этиш замирида маънавий маданият ҳам ётади. Ҳар қандай моддий ва маънавий маданият дурдоналари инсон ақлий ва жисмоний меҳнати синтези асосида юзага келади. Маънавий маданият воқеаликни бадиий акс эттириш ва ўзлаштириш воситасидир. Моддий маданият дунё ва инсонларнинг моддий ҳаёт шароитлари билан, маънавий маданият эса урф-одат, расм-русм, анъана, маросим ва миллий қадриятлар билан чамбарчарс боғлиқдир. [4, 63]

Лингвокултурологик ёндашувдаги тадқиқотлар ўзбек тилшунослигида охириги ўн йилликларда пайдо бўла бошлади. Профессор Н. Маҳмудовнинг “Тилнинг мукамал тадқиқи ва йўлларини излаб...” номли малоқасида лингвокултурология, умуман, антропоцентрик парадигманинг моҳияти ва бу борадаги муаммолар чуқур ва асосли ёритиб берилади. Ушбу мақолани ўзбек тилшунослигида лингвокултурология ҳақида жиддий мулоҳазалар баён қилинган биринчи асар сифатида баҳолаш мумкин. Мақолада лингвокултурологик назариянинг шаклланиши учун хизмат қилган омиллар, ундаги асосий тушунчалар, уларнинг талқинидаги ҳар хилликлар ҳақида жуда асосли мулоҳазалар айтилган.

Хулоса қилиб айтганда, XIX асрда В.Гумболтнинг тил ва тафаккур муносабатларини ўрганишда миллат маданиятига асосий эътибор берилиши лозимлиги ҳақидаги мулоҳазалари XX асрнинг 90-йилларида қатор тилшунослар томонидан янги фан лингвокултурологиянинг юзага келишига сабаб бўлиб, ушбу фан ҳозирги замон тилшунослигида ўта тез суръатларда ривожланиб, умумий тилшуносликдан алоҳида ўрин егаллади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Маслова В.А. Введения в лингвокультурологию), - М.:Наследие, 1992.
2. Гумбольдт В. Язык и философия культуры. - М., 1985.
3. Салиева З.И. Концептуальная значимость и национально - культурная специфика синтаксиса в английском и узбекском языках: Автореф.дисс.канд.филол.наук. - Ташкент, 2010.
4. Махмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йулларини излаб//”Узбек тили ва адабиёти” журн., 2012. № 5.
5. Телия Н.В.Дипы языковых значений. Связанное значение слова в языке.- М., 1981.